



Болтабой
Бекматов

ШЕРЛАР

БОЛТАБОЙ БЕКМАТОВ ШЕЪРЛАР

АРАФА

Бир тантана содир бўлажак,
Бир тараддуд кезиб юрибди.
Мийиғида кулимсираган
Куёш буни сезиб юрибди.

Новдаларнинг юзида сепкил,
Дарахтлар ҳам бир тараддудда.
Сезилар бир ажиб ҳаяжон
Йўл четида, каллакдор тутда.

Нами қочган тўнка устида
Кукулашар бир жуфт кабутар.
Ана, ҳовуз ичра фаввора
Ҳозир буюк сирин фош этар.

Кезар недир қилиб овоза,
Тилсиз жарчи баҳор еллари.
Сиғмай кетди қўлқопчаларга
Хонимларнинг нозик қўллари.

Бир тантана содир бўлажак,
Бир тараддуд кезиб юрибди.
Мийиғида кулимсираган
Куёш буни сезиб юрибди.

УСТА
Матназар Абдулҳакимга

1

Елкасига ғишт минган сайин,
Сайқалланган сайин тобора
Устани ҳам кўкка кўтариб,
Юксалиб бормоқда минора.

Уста моҳир, нигоҳи теран,
Уста бир ҳикматни ҳис этар
Ва минорасининг шаклини
Найзанинг учига ўхшатар.

2

Мадрасанинг олдида ёлғиз
Хаёл сурар қариган чинор.
Вужудида яшин солган из,
Довуллар қолдирган дард, ғубор.
Теваракда ҳукм сурар куз...
Япроқлар-да заъфарон, ғариб.
Муллаваччалар эса ўйсиз,
Чилим чекар тагига бориб.

ГУВОХ

Бугун қушим ҳуркди
Парвозни тарк этди ожиза қушим
Ва қўнди қолипнинг ёнига ҳорғин

Бугун қотилликнинг гувоҳи бўлдим
Бўлдим уйғонишнинг гувоҳи
Даҳлиздаги катта ойнага қараб

КУНГАБОҚАР

Қуёшга интилиб бўй чўзди илҳақ,
Элнинг нигоҳини жалб қилиб ўзга.
Дунёни унутди, унутди мутлақ,
Ердаги қуёшдек ташланди кўзга.

Бошини таниди жудо қилдилар
Шунда етилмаган кунгабоқарнинг.
Тишлар орасига олиб тилдилар
Уруғларин, гарчи тўйдирмас қорнинг...

ҚАЙСАР

Сени таъқиб қиласар бир умр қолип,
Күз очсанг, қаршингда бўлар кўндаланг.

Эрк эса қафасга кўникмас ғолиб
Бир қушки, бошингга қўнолмай ҳалак.

Дарёниг устида чарх ураг бу қуш,
Тўлқинлар қўйнида сени кузатар.
Қанотлари толиб борар, боёқиши,
Бир кун йиқилади (ох, кўзи етар!)

Сен эса сузаркан оқимга қарши,
Куш учун бошингни кўтаролмайсан.
Сен-мангу қолипга кўникмаган шум,
Сен-сокин қиргоққа чиқмаган қайсар.

ПИЧОҚ СУЯККА ЕТГАНДА

Пичоқ суюкка етганда
Чумоли томошабинга айланар
лоқайд ва беташвиш томошабинга
у Ниначидек қанот чиқариб
учиб юрар бамайлихотир
Пичоқ суюкка етганда
Ниначи меҳнатни ўрганаар
меҳнат одам қилар уни бир куни

Одамнинг эса суяги йўқ
Пичоқ суягига етмас одамнинг

...

Қурбақа ўтирган дўнглик ёнидан
қанотлари ялтиратганча
сузиб ўтди тилла балиқлар

“Вақ-вақ-вақ!” қичқирди қурбақа
Аммо қалқиб чиқиб зум ўтмай
суга кетди дўнгликка томон

тирмашиб чиқди-да ўрнига аранг
“Вақ-вақ!” деб қўйди қурбақа ҳорғин

ЮХО

Юҳо оғзига тиқар ўн бармоғини
бирағула ялар ўнтасини ҳам
барибир қаноат тополмас зарра

Ниҳоясиз бир очлик қийнар юҳони
мол бўлиб кўринар юҳога ҳар не
мебеллар китоблар буюмлар пулдир
тўрт томонда пулнинг суврати

Юҳонинг ғори бор
борлиқни ютгудай бесарҳад бир ғор
уни тўлдирмоққа уринар юҳо

Баъзан телба билан тўқнаш келганда
бахтдан сармаст кўрсатар ўзини юҳо
лекин кундан-кунга каттаяр қорни
бесўнақайлар тобора
оғзи ғорга
кўзлари охурга ўхшаб

Гоҳида ойнага боқар-да юҳо
нафратланиб кетар юҳолигидан
ва онт ичиб қўяр ўзига ўзи
одам бўламан дер
оддий бир одам
Тунда уни қийнар
оддий ҳақиқат
“Одам айланиши мумкин юҳога
ва лекин одамга айланмас Юҳо”